MUZRABOT

O`zbekiston— kelajagi buyuk davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 28-mart
Juma № 6 (4502)

Долзарб мавзу

Аҳоли бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифа

бу масала халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши сессиясида кенг муҳокама қилинган эди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 17 январдаги қарорига асосан ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадларни ошириш бўйича янги ёндашувларни кенг жорий қилиш, маҳаллаларда эҳтиёжманд аҳоли қатлами билан манзилли ишларни ташкил этиш ва ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, мавжуд ресурслар, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали юқори даромадли иш ўринларини ва камбағалликни қисқартириш мақсади кўзланган. Шу масалада, яъни 2025 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари Саъдулла Маматқулович ХОЛНИЁЗОВ мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагилар ҳақида сўзлаб берди.

–Меҳнат бозорининг кутилаётган эҳтиёжидан келиб чиқиб, яъни ўрта таълим, касб-ҳунар таълими (академик лицей), олий таълим муассасалари битирувчилари, четдан қайтадиган меҳнат мигрантлари, иш қидираётган фуқаролар, шунингдек, иқтисодий жараёнлар натижасида иш жойини йўқотадиган ходимларни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича 2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлашга оид Буюртманома шакллантирилди. Дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида, иш ўринлари яратиш имкони мавжуд бўлган соҳалар, тармоқлар, айниқса, инвестицион дастурлар доирасида яратиладиган янги корхоналар, шунингдек, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес соҳаларида мавжуд бўлган ички имкониятлар максимал даражада ҳисобга олинди.

Дастур лойиҳасида 2025 йилда меҳнат бозорига таъсир этадиган демографик омиллар, жумладан, аҳолининг ўсиши, пенсияга чиқиш ва табиий қисқариш омиллари инобатга олинган. Бунда, шакллантирилган буюртманомалар асосида 2025 йил дастури прогноз параметрларини белгилашда меҳнат бозорига илк бор 3437 нафар ёшлар ҳамда 723 нафар қайтиб келаётган меҳнат мигрантлари ҳисобга олинган.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий имкониятлар

«Ижтимоий карта» тизими

аҳолини ишончли ижтимоий қўллаб-қувватлайди

Мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилаётган юксак эътибор оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, муҳтожларнинг уй-жой масаласини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда кенг намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 18 июлдаги “Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар натижадорлигини янада ошириб, аҳоли томонидан давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаши кафолатланган тарзда олинишини, унинг манзиллилиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид барча чоралар рақамли технологиялар асосида тақдим этишга ўтилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

100 ёшли онахон ҳузурида

Чегарачи маҳалласида яшовчи Бибинор момо Мамарасулова 100 ёшга тўлди.

Халқимизда азал-азалдан кексаларга ҳурмат-эътиборда бўлиш, уларни асраб-авайлаш, маслаҳатларига, насиҳатларига қулоқ тутиш инсонийлик фазилатларидан биридир. Ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг, том маънода, ажралмас қисми ва уни авлодларга етказиш анъанадир.

Таомилни давом эттириш мақсадида «Нуроний» жамғармаси Музработ тумани бўлими раиси Эшқобил Собиров ва туман Ҳокими маслаҳатчиси Фотима Нормаматова катта ҳаёт тажрибасига эга, умрининг юзинчи баҳорини қаршилаган Бибинор момо билан учрашиб, у киши билан суҳбат қуришди. Онахонга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Музработ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Ko`tarinki ruhga o`tkazildi

Bizning 46-maktabda “Hayot go`zal – yashash uchun 1001 sabab” oyligi o`tkazildi. O`quv yilining III choragi yakuni va IV choragi boshlariga kelib o`quvchilarda charchoq va pedagogik jamoa orasida kasbiy so`nish holatlari uchraydi. Shuningdek, fasllar almashinuvi ham, ayniqsa, voyaga yetmagan o`smirlarning jismoniy va psixologik holatiga o`zining ta`sirini o`tkazishi tabiiy holdir.

Shu maqsadda o`quvchilar, pedagoglar hamda ota-onalarning bu holatlarni oldini olish bo`yicha bilimlarini oshirish, ularga kerakli tavsiyalarni berish muhim vazifa hisoblanadi.

Oylikning asosiy vazifalari:

1. O`qituvchi va o`quvchi o`rtasida shaxslararo munosabatlarda ijobiy muloqot tamoyillarini shakllantirish.

2.Ota-ona va farzand o`rtasida yuzaga kelishi mumkin bo`lgan salbiy munosabatlarning oldini olish hamda bartaraf etish.

3.Ijtimoiy-psixologik xususiyatlariga ko`ra korreksion guruhdagi o`quvchilar bilan jamoaviy ishlash orqali ularning ruhiyatida ijobiy o`zgarishlarga erishish.

4. Ta`lim muassasasi xodimlari va o`quvchilarida hayotiy ko`nikmalar va erkin kreativ fikrlashni yanada rivojlantirish.

5.O`quvchilar orasida zo`ravonlik, autodestruktiv va destruktiv xulq-atvor, jinoyatchilik singari salbiy illatlarga qarshi kuchli immunitetni shakllantirish.

Maktabda “Hayot go`zal – yashash uchun 1001 sabab” oyligi ko`tarinki ruhda o`tkazildi.

B.ABRAYEVA,
46-maktab psixologi.

ТАЙИНЛОВ

Иззатуллаев Жаҳонгир Баҳодир ўғли Музработ тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори лавозимига тайинланди.

Иззатуллаев Ж.Б. 1993 йилда Музработ туманида туғилган. Термиз давлат университетини (2017 йил кундузги, 2024 йил сиртқи) тамомлаган. Мутахассислиги – тарих ва иқтисодиёт.

Меҳнат фаолияти давомида Мажбурий ижро бюроси Музработ тумани бўлими қарздорликни судгача ундириш шуъбаси инспектори ва Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги Музработ тумани бўлимида турли лавозимларда фаолият юритган. Тайинловга қадар агентликнинг Музработ тумани бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.

Ахмедов Азамат Рўзимахматович Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Сурхондарё вилояти Музработ тумани бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Ахмедов А.Р. 1986 йилда Музработ туманида туғилган. 2004-2008 йиллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академиясида таҳсил олган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолияти давомида 2008-2010 йиллар Қизириқ тумани ички ишлар бўлими терговчиси лавозимида ишлаган. 2010 йилдан бошлаб Музработ тумани ички ишлар бўлими терговчисидан бўлим бошлиғининг ўринбосари, жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган.

ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

Баҳорнинг илк ойи – март юртимизда, том маънода, байрамлар мавсуми ҳисобланади. Зотан, ўлкамиз узра кўкламойнинг кириб келиши, рўйи замин хилқати – аёлларимиз байрами, Наврўзи олам ташрифи, қолаверса, бу йил муборак рўзаи рамазон ойининг айни шу паллага тўғри келгани халқимиз учун муродбахш кунларни насиб этди.

Эътироф этиш жоизки, уч минг йилликдан узоқ тарихга эга Наврўз байрами қадимийлигини сақлаган ҳолда мамлакатимизда мустақиллик йилларида тобора янгиланиб, навқиронлашиб бормоқда. Буни

халқимизнинг азалий урф-одатларини ўзида мужассам айлаб келаётган байрамнинг замонавий тус олиб, нишонланаётганида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Наврўз юртларни, элларни бирлаштирган, ер юзида тинчлик, осойишталик, яратувчанлик ҳисси билан йўғрилган муқаддас байрам. Наврўзда кун ва тун тенглашади, бутун олам яшаради, қиру адирларда, боғу-роғларда, далаларда баҳор ўз сепини ёйиб, борлиқни гулларга, ям-яшил либосга буркайди, олам узра уйғониш фасли бошланади.

Туманимизда бу йилги байрам бутун республикамизда бўлгани каби “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” ғояси асосида ташкиллаштирилди. Халқоболддаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтган байрам тантаналарига Музработнинг барча ҳудудларидан етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган тумандошларимиз ташриф буюрдилар. Улар дастлаб майдон тевараги узра маҳаллалар ва меҳнат жамоалари томонидан тикланган қўрғонларда бўлиб, намойиш этилаётган миллий удумлар, маданият ва санъат, ҳунармандчилик ва чеварлик кўргазмалари билан танишдилар.

Наврўз айёми бошлангандан сўнг табрик учун сўз Музработ тумани Ҳокими вазифасини бажарувчи Баҳром Маҳамматович Хидировга берилди. Туманимиз раҳбари ўз нутқида, жумладан, шундай деди:

“Она замин ва табиатга меҳр-муҳаббат, саховат ва мурувват, бунёдкорлик ва олижаноблик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар энг қадимий байрамимиз бўлган Наврўз тимсолида асрлар давомида улуғланиб, сайқал топиб келмоқда. Айниқса, бугун жамиятимизда инсон қадри юксалиб, бебаҳо бойлигимиз – еримиз, сувимиз ва табиатимизга, шу борадаги неча минг йиллик анъаналаримизга эътибор кучайиб бораётган янги Ўзбекистон шароитида бу байрамнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда...

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўзнинг файзига янада файз қўшмоқда. Бугун фидойи деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-умид билан янги мавсумни бошламоқдалар. Барчамиз уларни чин дилдан табриклаб, йилимиз қутлуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб эзгу тилакларимизни билдирамиз...

Наврўзи олам юртимизга тинчлик, омонлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!”

Табрикка ҳамоҳанг тарзда байрамга бағишлаб, қадимий ва миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати намойиш этилган танловда ғолиб чиққан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими, туман хотин-қизлар бўлими ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси жамоалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шундан сўнг шодиёнанинг бадиий қисми бошланди. Дастлаб туман маданият бўлимининг таниқли хонанда ва раққосалари, фольклор-этнографик ҳамда ҳаваскор ёшлар жамоалари иштирокида катта дастурда концерт намойиш этилди. Шунингдек, кичкинтой болажонларнинг, спортчи ёшларимизнинг чиқишлари олқишлар билан қутланди.

Мамлакатимиз пойтахтидан ташриф буюрган номдор санъаткорлар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурашид Йўлдошев ҳамда эстрада хонандаси Гулинур томонидан ижро этилган дилтортар ва рақсга чорловчи қўшиқлар барча-барчага мамнун бўлди. Шу боис сайилгоҳ узра гулдурос қарсак ва олқишлар парвози баланд бўлди.

Ҳа, Наврўз қадриятларимизнинг энг қимматлиси ва манзури. Буни байрамдан ёқимли ва кўтаринки кайфият билан қайтаётган тумандошларимиз юзу кўзларидан пайқаш қийин эмас эди. Шунинг учун ҳам бу байрам боқий!

Абдусалом ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Маърифий сабоқлар

Рамазон ойининг барокатлари

Рамазон арабча сўз бўлиб “рамза” сўзидан олинган. Ёзнинг охири, кузнинг бошида ёғиб ер юзини чангдан тозалаган ёмғирга “рамза” дейилган. Шу боис араб халқлари рамза ёмғири ер юзини тозалагани каби Рўза ҳам одамларни гуноҳидан поклайди деб қабул қилган. Яъни шуни таъкидлаш жоизки, “рамза” қуёшнинг шиддатли иссиқ ҳароратидан тошларнинг қизиб кетиши маъносини билдирган. Бунинг ҳикмати шундаки, қизиб кетган тошда юриш машаққатли бўлиб оёқларни куйдиради. Бу ўхшатишдан мақсад қизиб кетган тошда юриш машаққатли бўлиб оёқларни куйдиришидек, рўзадор ҳам сувга ва очликка сабр билан чидаши тушунилган. Шунингдек, рўзадор Аллоҳнинг розилиги учун ихтиёрий очликни ва ташналикни енгиб ўтади. Бунинг натижасида рўза тутган киши гуноҳлардан фориғ бўлади.

Рамазон ойи аслида Пайғамбаримиз (с.а.в)га Қуръон китобини ваҳий қилган ой эканлиги билан эъзозланади. Шу сабаб исломнинг илк давридан бошлаб мусулмонлар Рамазон ойида Қуръон тиловат қилишга, сабобатли ҳамда сабрли бўлишга жиддий эътибор берганлар. Рамазон ойи меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлилик, инсонларни якдилликка чорлайдиган, бирлаштирадиган олижаноб хислатларни инсонда мустаҳкамлайдиган ой. Баъзилар авф этувчи ой десалар, баъзилар ҳаром ой – гуноҳ ишлар, ёлғон, ғийбат, фиску-фасод, урушлар рад қилинган ой ёки ибодат ойи ҳамда сабр ойи деб таъриф берганлар.

(Давоми 3-бетда).

«Besh tashabbus» olimpiadasi

Yosh musavvirlar bellashuvi

Xalqobodda «Besh tashabbus» olimpiadasi doirasida Yosh musavvirlar tanlovining tuman bosqichi bo‘lib o‘tdi.

Iqtidorli yoshlar o‘z san’atini namoyish etib, ijodiy g‘oyalarini tasvir orqali ifoda etmoqda. Har bir ishtirokchining asari ezgulik, milliy qadriyatlar va zamonaviy san’at uyg‘unligining yorqin namunasi bo‘lib, ular orasida haqiqiy iste’dod sohiblari aniqlandi.

G‘oliblar navbatdagi–viloyat bosqichiga yo‘l olib ishtirok etadi va o‘z hududining sharafini himoya qiladi.

Muzrabot timani hokimligi Axborot xizmati.

Долзарб мавзу

Аҳоли бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифа

бу масала халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши сессиясида кенг муҳокама қилинган эди

(Бошланиши 1-бетда.)

Дастлаб 2025 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат Дастури лойиҳасида кўзда тутилган тадбирлар тўғрисида тўхталсак. Аввало, айтиш жоизки, Дастур параметрлари жорий йилга белгиланган макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари, бюджет, солиқ ва инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш дастурлари билан ўзаро узвий боғланган.

Музработ туманида 2025 йил давомида доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда, жами 32 минг 807 нафар фуқаронинг янгидан ташкил этиладиган барқарор иш ўринларида бандлиги таъминланади. Жумладан, улардан 10402 нафари доимий, 18946 нафари мавсумий, 3459 нафари вақтинчалик ишга жойлаштирилади. Мазкур иш ўринларига 4 та соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар ва ислоҳотлар натижасида эришишни белгилаб олганмиз.

Биринчидан, лойиҳа қиймати 246 миллиард сўмлик 800 инвестиция лойиҳалари ҳисобига нафар ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланади. Жумладан, саноат соҳасида қиймати 17,1 миллиард сўмлик 8 та лойиҳаларнинг ишга туширилиши ҳисобига 129 та, хизмат кўрсатишда қиймати 95,8 миллиард сўмлик 13 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 174 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 133,1 миллиард сўмлик 5 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 497 та янги иш ўринлари яратилади.

Иккинчидан, тумандаги тижоратбанк томонидан 18 минг 505 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Жумладан, 7829 нафар фуқарони доимий ишга жойлаштириш, 10676 та фуқарони тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги йўналишида 13 минг 85 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришилади. Бунда:

1.Тумандаги жами 19,5 минг гектар асосий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ экилиши таъминланади.

2. Ғалладан бўшаган 6000 гектар майдонга такрорий экинларнинг тўлиқ жойлаштирилиши, ва жами 17 минг 200 тонна маҳсулот нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиниши таъминланади.

3. 2024-2025 йилларда аҳолига электрон танлов асосида ажратилган 1 минг 141 гектар майдондан самарали фойдаланиб, 3 минг 271 тонна юқори қийматли маҳсулотлар етиштирилади.

4. Пахта, ғалла ва пилла маҳсулотларини етиштириш учун мавсумий иш ўринларига жалб этиш ҳисобига 13 минг нафардан зиёд фуқаролар бандлиги таъминланади.

Тўртинчидан, қурилиш соҳасида 417 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланади. Жумладан, 165 та доимий ва 252 та мавсумий иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Бу кўрсаткичларга тасдиқланган мақсадли дастурлар – инвестиция дастури, саноатни устувор ривожлантириш дастури, кичик саноат зоналарини яратиш ва улар фаолиятини ташкил этиш, қурилиш ташкилотларини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кам қувватли, фаолиятсиз корхоналар, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларда ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш ва янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, тўқимачилик ва бошқа тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, қишлоқ жойларида саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш ҳисобига эришилади.

Дастур лойиҳасига мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, улар томонидан меҳнат шартномалари асосида қўшимча ходим ёллаш ҳисобига 6 нафар кишининг бандлиги таъминланади. Ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 32 нафар банд бўлмаган, айниқса, аёллар ҳамда чет эллардан қайтаётган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлашга эришилади. Корхоналарнинг оптималлашиши, банкротга учраши ва уларнинг тугатилиши, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорликда иш ўринлари тугатилиши ҳамда меҳнат бозорида иш ўринлари табиий (ходимларнинг пенсияга чиқиши, вафот этиши, кўчиб кетиши натижасида) бўшаши ва 1382 та вакант иш ўринлари мавжудлиги 2025 йилда ишсизлик даражасини халқаро стандартларга кўра мақбул бўлган 5-5,2 фоиз атрофида сақлаб қолиш имконини беради.

2025 йилда дастур доирасида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 750 нафар аёллар, 876 нафар ёшлар ва 586 нафар чет давлатлардан қайтадиган мигрантларнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Дастурни амалга ошириш доирасида таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2025 йилда Дастур доирасида, ташкил этиладиган ва мавжуд бўш (вакант) ва заҳира қилинадиган (квота) иш ўринларига умумий ўрта касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг қарийб 2277 нафар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Ҳар бир битирувчининг яшаш манзили, олаётган мутахассислиги, ҳудуддаги имкониятлар ва энг асосийси, ушбу ҳудудда яратилаётган иш ўринларининг йўналишлари билан боғлаб чиқилади.

Дастур доирасида туманда иш бериш имкониятига эга бўлган корхоналарни жалб этган ҳолда 12 та бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш, ярмаркалар сифати ва натижадорлигини янада ошириш мақсадида 2 та йўналишда, яъни ёшларга бизнесни бошлаш ва ишга жойлашиш имкониятларига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, тумандаги банд бўлмаган, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизларга касбга қайта тайёрлаш хизматлари кўрсатилади.

2025 йилда аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсадли кўрсаткичлари ҳисобига 1589 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш кўрсатилган бўлиб, шундан 521 нафар фуқарони доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳисобига, 734 нафар фуқарони тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобига, 98 нафар фуқарони қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш ҳисобига, 33 нафар фуқарони касб-ҳунарга ўқитиб банд қилиш ҳисобига ва 203 нафар фуқароларни бошқа йўналишлар ҳисобига янги иш ўрни яратилади. Жорий йилда бандлик органи томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича 2771 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Шундан 1098 нафарини касб-ҳунарга ўқишга, 1541 нафарини тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринларига ва 132 нафарини субсидия ажратиш ҳисобига бандлиги таъминланади. Туманда банд бўлмаган аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида ish.mehnat.uz сайтидаги бўш иш ўринлари маълумотлар базасида хусусий секторнинг улушини кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда.

2025 йилда Дастур ижросини таъминлашнинг ташкилий механизмлари ва мониторинги тизими амалга ошириб борилади. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ишчи комиссиялар фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёнига асосан тасдиқланган "Аҳоли бандлиги дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий ишчи комиссиялар тўғрисида"ги Низом асосида янада кучайтирилади.

Дастурни амалга оширишда доимий ишчи комиссияларнинг фаолиятидан кенг фойдаланилади. Дастур ижросининг мониторинги туман бўйича қуйидагича амалга оширилади:

- саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳалар бўйича ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бўлимлари томонидан;

- қурилиш ва ижтимоий инфратузилма соҳасидаги лойиҳалар бўйича туман архитектура-қурилиш ва молия бўлимлари томонидан;

- ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, давлат объектларини ижарага бериш, хусусийлаштириш орқали амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича – Рақобат бошқармаларининг вакиллари томонидан;

- якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда улар томонидан ёлланган қўшимча ходимлар ҳамда фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича давлат солиқ инспекцияси томонидан;

- корхоналар кесимида йўқотилган иш ўринлари статистика бўлими ва туман солиқ инспекцияси томонидан;

- қурилиш соҳасидаги корхона, ташкилотларда мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлганлар бўйича архитектура ва қурилиш бўлимлари томонидан;

- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармадчилик соҳасида ўз-ўзини банд қилганлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳунарманд уюшмалари, солиқ инспекцияси ва пенсия жамғармаси бўлими томонидан.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларининг молиялаштирилиши бўйича Марказий банк томонидан доимий ташкилий механизмлар ва мониторинг тизими ўрнатилади. Дастур доирасида норасмий секторда ишлаётган фуқароларни расман ишга олинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда, норасмий меҳнат қилаётган фуқароларни кичик бизнесга жалб этиш жараёнлари кенгайтирилади. Кичик бизнесга берилган имтиёзлардан кенг фойдаланган ҳолда солиқ идоралари билан ҳамкорликда ишлар ташкил этилади.

Дастурнинг ҳар бир йўналиши бўйича белгиланган параметрлар бажарилишининг бориши, ортда қолаётган йўналишлар ва ҳудудлар кесимида доимий таҳлиллар олиб борилади. Шу билан бирга жорий йилда иш ўринлари ташкил этилганлигининг ҳаққонийлигини таъминлаш борасида қўшиб ёзишларга чек қўйиш мақсадида муҳрлар билан тасдиқланган маълумотлардан воз кечилиб, ташкил этилган иш ўринларининг ҳисоби Солиқ қўмитаси ва Халқ банкининг электрон ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ИНПС рақамлари орқали амалга оширилади.

Лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришда, биринчи навбатда, киритилган лойиҳаларнинг ўз вақтида ишга туширилиши бўйича стевой графиклар ишлаб чиқиш, ер ажратиш, кредитлар билан таъминлаш, инфраструктура ва хомашё билан таъминлаш масалаларига ҳамда лойиҳаларни 2-3-чоракда ишга туширишга эътибор қаратилмоқда.

А.ЙЎЛДОШЕВ
ёзиб олди.

Ҳуқуқий асос

Иқтисодий судларда рақамли далиллардан фойдаланиш

Замонавий технологияларнинг ривожланиши билан иқтисодий судларда электрон далиллар муҳим ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам судларда ишончли ва мақбул далилларни тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек, Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексида ҳам суд ишни муҳокама қилишда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шартлиги белгилаб қўйилган. Шундай экан суд, ишни кўриб чиқишда далилларга асосланади, тақдим этилган фактларнинг тўғрилигини текширади ва иш юзасидан қонунга асосланиб хулоса қилади.

Иш бўйича далиллар деганда Иқтисодий процессуал кодексининг 66-моддасида шундай таъриф келтирилади. Иқтисодий процессуал кодексида ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек, низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунчиликдаги сўнгги ўзгартиришларга назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий суд ишларини юритишда ҳам рақамли (электрон) далиллар алоҳида далил тури сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сон Қонуни билан кўплаб қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилган бўлса, айримлари алоҳида модда, прим моддалари билан тўлдирилди.

Иқтисодий процессуал кодекси ҳам 76^1 ва 76^2-моддалари билан тўлдирилди.

-унда электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлар эканлиги;

-ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли эканлиги;

-суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиши ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечириши;

-иш учун аҳамиятга эга бўлмаган электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар эгаларига дарҳол қайтариб берилиши;

-иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан, электрон тарздаги файллар, аудио, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек, бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллар эканлиги қайд этилиб, ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар рақамли далилларнинг кўчирма нусхаларини қоғозда чоп этилган шаклда тақдим этиш ҳуқуқига ҳам эга эканлиги;

-бунда рақамли далилнинг қоғоздаги шакли ёзма далил деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далил мустасно эканлиги;

-суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио ва видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланиши;

-рақамли далилнинг кўчирма нусхаси иш материаллари билан бирга сақланишини ўзида акс эттирган модда диспозициялари билан тўлдирилди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал кодексининг тўлдирилган далиллар ва исботлаш деб номланган боби, эндиликда суд, ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар иқтисодий суд ишларини юритишда бевосита ёзма, ашёвий далиллар билан бир вақтда электрон маълумотларни, рақамли далилларни, шу жумладан, электрон рақамли имзолар билан тасдиқланган ҳужжатларни, аудио ва видео ёзувларни, веб-сайтлардан олинган маълумотларни ҳам электрон кўринишда тақдим этиши мумкин бўлди.

Электрон далилларни судга тақдим этишда уларнинг ҳақиқийлиги ва ўзгармаганлиги исботланиши ҳам муҳимдир. Бу жараён Ўзбекистон Республикасиннинг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" 2004 йил 29 апрелдаги Қонуни ва бошқа тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қонуннинг 7-моддасида қайд этилишича, электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, электрон далиллар бошқа далил турларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга ҳисобланиб, электрон далилларнинг аниқ вақт тамғаси билан қайд этилишини, электрон ҳужжатлар ва маълумотлар судга тез ва қулай шаклда тақдим этилишини, электрон далиллар катта ҳажмдаги маълумотларни бир жойда жамлаш имконини беришини ва уларни сақлашнинг осонлигини, электрон далилларни тезкор равишда кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлигини, бу эса суд ишларини самарали юритишга ёрдам беришини қайд этиш ўринлидир.

Иқтисодий процессуал кодексининг электрон маълумотлар ва рақамли далиллар деб номланган моддалар билан тўлдирилиши иқтисодий судларда электрон далиллардан фойдаланишда замонавий суд ишларини юритиш амалиётининг муҳим қисмига айланмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг судларга узоқ масофадан туриб далилларни электрон платформалар орқали юбориши, суд томонидан тезкор равишда кўриб чиқилиши адолатли қарорлар қабул қилиш имконини бермоқда. Пировардида, бу судга мурожаат қилувчиларнинг узоғини яқин қилиб, ортиқча қоғозбозликларнинг олдини олишга кўмаклашмоқда. Шу ўринда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларга электрон далилларни тақдим этиш ва улардан фойдаланишда қонунчилик талабларига қатъий риоя қилишлари зарурлигини алоҳида эътиборга олишлари лозим бўлади.

Н.БЕКНАЗАРОВ,
Шеробод туманлараро иқтисодий судининг архив мудири.

Korrupsiya

ISLOHOTLAR YO‘LIDAGI ENG KATTA TO‘SIQ VA G‘OV

Korrupsiya har qanday jamiyat taraqqiyotiga jiddiy zarar yetkazuvchi illat bo‘lib, davlat boshqaruvi, iqtisodiyot va ta’lim tizimida o‘z aksini topishi mumkin. Joriy yilning 5-mart kuni Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida korrupsiyaning oldini olish bo‘yicha ishlar natijadorligi va kelgusidagi ustuvor vazifalarga bag‘ishlangan kengaytirilgan yig‘ilishida aynan shu muammo chuqur tahlil qilindi va uni bartaraf etish uchun qator tashabbuslar ilgari surildi.

Yig‘ilish davomida davlatimiz rahbari tomonidan Oliy ta’lim tizimida 35 turdagi hujjatlarni inson omilisiz olishga o‘tilgani uchun sohadagi murojaatlar 2,2 baravar kamayganligini ta`kidladi. Bu esa bugun olib borilayotgan islohotlarimizning naqadar samarali ekanligini hayotning birgina o‘zi ko‘rsatmoqda, desak ayni haqiqatni aytgan bo‘lamiz.

Ma’lumki, har qanday davlatning rivojlanishi adolatli boshqaruv va qonun ustuvorligiga bog‘liq. Korrupsiya esa bu jarayonlarga putur yetkazadi. Ayniqsa, ta’lim tizimidagi korrupsiya eng xavfli illatlardan biridir. U yosh avlodning bilim olish huquqini buzadi, iqtidor va mehnat emas, pul va tanish-bilishchilik orqali natijaga erishish kabi zararli odatlarni shakllantiradi.

Jamiyat taraqqiyotining asosiy ustunlaridan biri bu – ta’lim tizimidir. Ta’lim tizimining adolatli, shaffof va halol bo‘lishi esa mamlakatning kelajagi uchun nihoyatda muhimdir. Chunki aynan ta’lim sohasi orqali kelajak avlod tarbiyalanadi, yuksak bilim va ma’naviyatga ega insonlar shakllanadi. Agar ta’lim tizimida halollik tamoyillari ustuvor bo‘lsa, jamiyatda ham ishonch va taraqqiyot kuchayadi.

Birgina misol, bundan 7-8 yil avval oliygohlarga o‘qishga kirishda “tanish-bilishchilik” avj olgani ko‘plab muhokamalarga sabab bo‘lar edi. Afsuski, bilim va adolat ustun bo‘lishi kerak bo‘lgan bu sohada tanish-bilishchilik, poraxo‘rlik kabi illatlar keng tarqalgan edi. Natijada, oliygohlarga chinakam bilim va salohiyatga ega bo‘lgan yoshlar emas, balki “o‘z odamlarini” kirita olganlar ustun kelardi.

Bu jarayonning eng katta zarbasi esa, shubhasiz, jamiyatning o‘ziga tegdi. Chunki oliy ma’lumotli, lekin o‘z kasbining mohiyatini tushunmaydigan kadrlar ko‘paydi. Xususiy sektor bo‘ladimi, davlat boshqaruvi yoki ta’lim tizimi bo‘ladimi – har bir sohada bilim va mahoratdan ko‘ra “kimniki?” degan savol ustunlik qila boshladi. Bu esa iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda rivojlanishning sustlashishiga, ishonchsizlik muhitining shakllanishiga sabab bo‘ldi.

Lekin bugungi kunda vaziyat ancha o‘zgarmoqda. Oxirgi yillarda qabul jarayonlari shaffoflashtirildi, test sinovlari joriy qilindi, korrupsiyaga qarshi chora-tadbirlar kuchaytirildi. Eng muhimi, yoshlarning bilimga bo‘lgan ishonchi ortmoqda. Endi ko‘plab talabalar o‘z kuchi va mehnati bilan o‘qishga kirish imkoniyatiga ega bo‘lishyapti. Avval test topshirib, to‘plagan baliga qarab, keyin oliygohni tanlash tizimi joriy qilindi. Bu esa kelajakda malakali kadrlar yetishib chiqishiga umid bag‘ishlaydi.

Soha raqamlashdi, imtihonlar onlayn translyatsiya bo‘layapti. Bugun chin ma’noda mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi keskin kurash olib borilmoqda. Xususan, davlat idoralarida ochiqlik va shaffoflikni ta’minlash, raqamlashtirish jarayonlarini kengaytirish hamda fuqarolar nazoratini kuchaytirish bo‘yicha qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Ammo bu kurash faqat hukumat yoki huquqni muhofaza qilish organlarining

vazifasi emas. Korrupsiyaga qarshi kurash jamiyatning har bir a’zosi, ayniqsa, yoshlar va o‘qituvchilarning ham mas’uliyatli yondashishini talab qiladi.

Yig‘ilish davomida davlatimiz rahbari tomonidan talabalarning korrupsiyaga qarshi loyihalari, startap va innovatsion tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash tizimining yo‘lga qo‘yilishi yoshlarimiz tomonidan iliq qarshi olindi. “Islohotlarimiz natijadorligi avvalo, sadoqatli, fidoyi va korrupsiyaga toqatsiz yangi avlodga bevosita bog‘liq. Bu ishda fikri toza yosh avlodni tarbiyalash ustuvor vazifaga aylanishi shart”, dedi Prezident. Umuman, “korrupsiya – kelajakka tahdid” degan g‘oya asosida Yangi O‘zbekiston yoshlari qalbidan joy oladigan tizim yaratilsa, ayni muddao bo‘lishi ta’kidlandi.

Talabalar va o‘qituvchilar korrupsiyaga qarshi kurashning asosiy ishtirokchilaridan biri bo‘lishi lozim. O‘qituvchilar halol va vijdonan mehnat qilib, bilim va tajribalarini shogirdlariga yetkazishlari, talabalar esa faqat o‘z mehnatlari evaziga bilim va baho olishlari zarur. Agar ta’lim sohasida adolat ta’minlansa, jamiyatda malakali kadrlar shakllanadi va korrupsiya ildizi quriydi.

Islohotlarning samaradorligi korrupsiyaning yo‘q qilinishiga bevosita bog‘liq. Shunday ekan, har bir fuqaro, ayniqsa, yosh avlod halollik va adolat tamoyillariga sodiq bo‘lib, korrupsiyaga qarshi murosasiz munosabatda bo‘lishi lozim. Korrupsiyaga qarshi kurashda faqat davlatning sa’y-harakati bilan kutilgan natijaga erishib bo‘lmaydi. Bu–butun jamiyatimizning ishi. Korrupsiyaga qarshi kurash – umummilliy vazifa, har bir vatanparvar yurtdoshimizning vijdon ishidir. Umuman, bu jarayondan hech kim chetda turmasligi kerak.

Zero, faqat pokiza va adolatli jamiyatgina haqiqiy taraqqiyot sari odimlashi mumkin.

Jamshid NAZAROV,
Termiz Davlat universiteti O‘zbek filologiyasi fakulteti tyutori.

Маърифий сабоқлар

Рамазон ойининг барокатлари

(Бошланиши 1-бетда.)

Рамазон ойи файз-барокатлигининг ўзига хос жиҳатлари кўп. Дарҳақиқат, Муҳаммаднинг маъбус-пайғамбар бўлиши. Қувонарлиси, ҳиро тоғида илк бор ваҳий келиши ва Қуръони карим Алақ сурасининг дастлабки беш ояти нозил бўлгани. Рамазон ойининг олтинчи кунида Муҳаммад(с.а.в.) набирали бўлган. Айниқса, ҳижратнинг иккинчи йилида Рамазон рўзасини тутиш ва закот бериш фарз қилинди. Шу йилда Рамазоннинг ўн еттинчи кунида жума куни исломда "Фурқон", яъни "ҳақ билан ботилнинг айирувчи" деб номланган Бадр ғазотида мусулмонларнинг ғалаба қозонганлиги бунга исбот бўлади.

Ҳижратнинг саккизинчи йилида Рамазоннинг ўнинчи кунида бутпарастлик тугатилиб Макка озод этилди. Ҳижратнинг тўққизинчи йилида Табук ғазотининг бир қисми бўлган, бир йилдан сўнг, яъни ўнинчи йилда Рамазон ойида Яманда ислом дини кенг ёйилган. Ҳижратнинг тўқсон иккинчи йилида Рамазоннинг йигирма саккизинчи куни, милодий 711 йил 19 июлда Тариқ ибн Зиёд раҳбарлигидаги жангда Испания забт этилиб, мусулмонлар ғалаба қилган. Бундан шуни англаса бўладики, азалдан Рамазон ойи ҳосиятли ва файзли бўлган. Таъкидлаганимиздек, Рамазон ойи ҳидоят ва тўғри йўлдагилар учун муқаддас ойдир. Жумладан, бу ойда гуноҳлар мағфират қилинади, раҳм-шавқат кўрсатилади. Барча мусулмонлар бир-биридан аразлашган бўлса авф этилади, иноқлашадилар, хатокамчиликлар кечирилади. Рамазон ойининг ўзига хос хусусиятларидан ажойиби шулки, кексалар аҳволидан хабар олинади. Бева ва ёлғиз аёллар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, ёрдамга муҳтожлар ва шу кабилар аҳволи ўрганилиб ёрдам берилади, совғалар улашилади. Мазкур ойда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Барча савоб ишларни ўзида мужассам этган Рамазон ойи ҳар бир ўн кунлиги амаллар билан боғлиқ ҳолда номланади. Биринчи ўн кунлиги раҳмат, иккинчи ўн кунлиги мағфират, учинчи ўн кунлиги нажот, яъни дўзахдан нажот дейилган. Шу билан биргаликда ушбу ойнинг ажойиб маросим ва анъаналари бор. Шундай маросимлардан асосийси "Рамазон айтиш" деб номланади. Кун ботгандан сўнг болалар Аллоҳни, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни хотирлаб, хонадон эгаларига яхшилик, ризқ, узоқ умр, фарзанд, оилага барака, тўй-тантана тилашиб, ният қиладилар ҳамда Рамазон ойининг муқаддаслигини мадҳ этадилар.

Мусулмон мамлакатларда Рамазон ойи маросим ва анъаналари ўзига хос равишда ўтказилади. Жумладан, Ўзбекистонда рўзанинг тугаши билан ийд ал-фитр байрами нишонланади. Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг 1991 йил 11 апрелда Рўза ҳайити тўғрисида Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг фармони чиқиши ва бугунги кунгача Рўза ҳайити байрами муносиб нишонланмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 декабрь куни "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги Фармони асосида кетма-кет 3 кун дам олиш белгиланган. Бу шуни англатадики, барча мусулмон мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам миллий байрамлар чиройли ўтказилмоқда.

Моҳидил ТУРАПОВА,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Замонавий имкониятлар

«Ижтимоий карта» тизими

аҳолини ишончли ижтимоий қўллаб-қувватлайди

(Бошланиши 1-бетда.)

Мутахассисларнинг айтишича, эндиликда "Ижтимоий карта" ахборот тизими жорий этилиб, ижтимоий тўловлар ва субсидиялар, ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш жараёнларини, шунингдек, аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий хусусиятга эга бошқа барча чоралари босқичма-босқич тўлиқ автоматлаштириляпти. Бу тартиб ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ижтимоий хизматлардан, ёрдам ва тўловлардан, шунингдек, давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бошқа чораларидан фойдаланиш учун ҳужжатларни йиғиш заруратини бекор қилиб, давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини манзилли, қисқа муддатларда, масофадан туриб ҳамда проактив тарзда олиш имкониятини яратмоқда.

Мазкур қарорда кўзда тутилган бошқа қулайлик ва имтиёзлар ҳам аҳолини ҳар тарафлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлатимиз белгилаб олган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бирига айланганини кўрсатмоқда. Жумладан, жорий йил 1 апрелдан бошлаб, босқичма-босқич шахснинг ногиронлигини, талаба, ўқувчи, уруш қатнашчиси ёки уруш қатнашчисига тенглаштирилган шахс ҳолатини тасдиқлашда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома ва гувоҳномалар, талабалик гувоҳномалари, ўқувчилар гувоҳномалари, уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар гувоҳномаларининг қоғоз шакли ижтимоий картага алмаштириш орқали бекор қилинмоқда. Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахслар учун умумий фойдаланишдаги автомобиль, темир йўл, ҳаво ва дарё транспорти, йўналишсиз такси хизматларидан фойдаланиш бўйича имтиёзлар, шунингдек, ушбу хизматдан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг бошқа тоифалари учун, кириш билет операциялари тизими асосида тартибга солинадиган давлат ижтимоий объектларига, концерт-томоша тадбирлари ва бошқа тадбирларга бепул кириш ёки қисман ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар қўлланилади. Шу йил 1 июлдан бошлаб – "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товар ва хизматларни белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини бир иш кунида қайтариш йўлга қўйилади.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу йил 1 июлдан ижтимоий тўловларни ижтимоий карталар орқали тўлашни босқичма-босқич жорий этишга ўтилади.

– Бу тартибнинг жорий этилаётгани ҳам мамлакатимизда инсон қадри улуғланаётганининг ёрқин самарасидир, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Азиз Машрапов. – Янги лойиҳанинг биринчи босқичи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида тажриба-синов сифатида жорий этилган. Иккинчи босқичда юртимизнинг бошқа ҳудудлари қатори бизнинг вилоятимизда ҳам шу йил 1 июлдан 12 та ижтимоий тўловни ижтимоий карталар орқали амалга ошириш йўлга қўйилади. Муҳим жараёнга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Соҳа вакилларининг фикрича, ижтимоий картанинг қатор афзалликлари бор. Босқичма-босқич ўтиладиган бу тартиб аҳоли ва тадбиркорлар учун замонавий имкониятларни яратади. Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар "Инсон-жамият-давлат" тамойили асосида ҳар бир инсоннинг фаровон турмуш даражасини таъминлашга қаратилаётган ғамхўрликларнинг амалдаги ифодасидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Фавқулодда вазиятлар ҳақида биласизми?

Аввало "Фавқулодда вазият нима?" деган саволга тўхталсак. Фавқулодда вазият бу – маълум бир ҳудудда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳисобланади. У қуйидаги турларга бўлинади:

-табиий хусусиятли фавқулодда вазият – ер қимирлаши (зилзилалар), қор кўчкилари, сел тошқинлари ва шунга ўхшаш ҳодисалар.

-техноген хусусиятли фавқулодда вазият – транспорт воситаларида содир бўлган авариялар, портлашлар, иморатларнинг қулаши, магистрал газ ёки сув қувурларининг ёрилиши, заҳарли кимёвий моддалар билан боғлиқ бўлган бахтсиз ходисалар ва бошқалар.

-экологик тусдаги фавқулодда вазият – қуруқликда тупроқнинг ҳолатидаги ўзгаришлар, атмосфера (ҳаво)нинг ифлосланиши, сув ҳавзалари (кўл, дарё)даги ўзгаришлар.

-ижтимоий тусдаги фавқулодда вазият – урушлар, терроризм, очарчилик, босқинчилик ҳодисалари, оммавий тартибсизликлар, иш ташлаш эълон қилиш ва шунга ўхшаш ҳодисалар.

Юқоридаги каби фавқулодда вазиятларнинг ўзи ҳам бир нечта турларга ажралади. Шуни ёдда тутишимиз керакки, ҳар қанақа фавқулодда вазиятларда ҳам саросимага тушмаслик ва бундай ҳолатларда тўғри ҳаракат қилишда зарур кўникмалар ҳосил қилишимиз зарур.

Х.МИРЗАЕВ,
туман ФВБ бошлиғининг ўринбосари, капитан.

Samatov Sherozbek Ilhom o`g`liga 2019-yil 12-iyunda Muzrabot tumani «Davtex-nazorat» inspeksiyasi tomonidan berilgan TMG-097867 raqamli traktorchi-mashinist guvohnomasi yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

x x x

Arorqulov Hakim Hamrayevichga 2001-yil 19-iyunda berilgan «B» toifali AAA № 0452005 raqamli haydovchilik guvohnomasi va uning УЗГ № 514505 raqamli ogohlantirish taloni yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

x x x

Xolmatov Husniddin Toshmatovichga 2017-yil 12-dekabrda berilgan «B, C» toifali AA № 0064754 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

x x x

Abdimo`minov Ro`zimurot Abduraim o`g`liga 2022-yil 19-sentabrda berilgan «B, C» toifali DI 000 № 5304097 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

x x x

Tursunov Qaxxor Badalovichga tegishli 2009-yilda ishlab chiqarilgan shassi raqami E-7, dvigatel raqami 0492601, kuzov raqami 056166, davlat raqam belgisi 75 M 765 HA bo`lgan «Nexia» rusumli yengil avtomobilga 2024-yilga berilgan texnik pasport yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Қонун ва никоҳ институти

Дунёвийликнинг аҳамияти ва зарурияти

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ-1037-сон Қонуни қабул қилинди.

Қонунда никоҳ институтини тартибга солишда дунёвийликнинг аҳамияти ва зарурияти алоҳида қайд этилди. Хусусан, никоҳ институти ҳар бир жамиятнинг асосий устунларидан бири бўлиб, унинг тартибга солиниши ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий жиҳатларни қамраб олади. Дунёвийлик никоҳ муносабатларини тартибга солишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тенг ҳуқуқлилик принципига амал қилиш ва жамиятда ҳуқуқий онгни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қонунда, шунингдек, никоҳ институтини тартибга солишда дунёвийлик тушунчасига изоҳ берилди. Унга кўра, никоҳ институтини тартибга солиш йўналишидаги дунёвийлик – никоҳ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонунчиликка таяниш ҳисобланади.

Қонунда дунёвийликни таъминлаш механизмлари қуйидагилардан иборат этиб белгиланади:

1. Ҳуқуқий нормаларнинг дунёвий қадриятларга асосланиши – никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонунлар инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Никоҳ тузиш тартиби барча фуқаролар учун бир хил ҳуқуқий меъёрларга асосланиши лозим.

2.Тенг ҳуқуқлилик ва ихтиёрий розилик тамойиллари – никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятлари ва инсон ҳуқуқларига мувофиқ бўлиши шарт. Никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги кафолатланиши лозим.

3. Диний маросимларнинг ҳуқуқий никоҳдан кейин амалга оширилиши –қонунчиликка мувофиқ, фақат давлат органларида расмий қайд этилган никоҳдан кейин диний никоҳ маросими ўтказилиши мумкин. Бу механизм никоҳ муносабатларини шаффоф ва қонунга мувофиқ тартибга солишга ёрдам беради.

4. Кўп хотинлилик ва кўп эрликка қарши чоралар – қонунчиликда икки ёки ундан ортиқ хотин ёки эр билан яшашни тарғиб қилишни чеклаш чоралари кўрилиши лозим. Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий таълим ва тарғибот ишлари олиб борилиши зарур.

5. Миллий қадриятлар ва удумларни қўллаб-қувватлаш – жамиятда шаклланган ва амалдаги қонунчиликка асосланган анъанавий никоҳ муносабатлари ҳимоя қилиниши керак. Оилавий муносабатларда миллий ва маданий қадриятларни сақлаб қолиш мақсадида ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилиши зарур.

Дунёвийлик тамойилига асосланган никоҳ институти жамиятда ҳуқуқий барқарорлик ва тенгликни таъминлайди. Бу йўналишдаги ҳуқуқий ислоҳотлар жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва умуммиллий қадриятларни сақлаб қолишга хизмат қилади. Шу сабабли, никоҳ муносабатларини дунёвий асосда тартибга солиш нафақат ҳуқуқий зарурат, балки ижтимоий ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

С.РАШИДОВА,
Музработ тумани адлия бўлими ФҲДЁ бўлими мудираси.

Жиноят учун жазо **муқаррар**

Фирибгарлик панд берди

Қонунчиликда фирибгарлик икки йўл билан яъни, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиниши лозимлиги, алдаш деганда, мол-мулк эгаси ўз хоҳиши билан бериши, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай факт бузиб кўрсатилиши ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади. Ишончни суиистеъмол қилиш эса айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкини қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун фойдаланиши таъкидланган. Бошқача айтганда, фирибгарликда жабрланувчининг айбдорга ишонгани ёки алдангани сабабли ўзи мулкни ихтиёрий равишда бериб юбориши ҳақида тушунча берилган.

Туманимиз маҳаллаларидан бирида ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келган, эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган Дилшод Собиров (исм-фамилиялар ўзгартилган) юқорида таъкидланганидек, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик жиноятини содир этган. Маҳаллада истиқомат қилувчи Санжар Хидиров ўзига тегишли бўлган озиқ-овқат ва аралаш моллар дўконига озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи нархда олиш учун мототранспорт техникасини ижарага бериб фойдаланмоқчи эканлигини айтиб, ҳоким ёрдамчисига 2023 йил декабрь ойининг бошида керакли ҳужжатларни тақдим қилади. Д.Собиров унга қўнғироқ қилиб, "Сизга қандай мототранспорт керак?" деб сўраганида "Амакимда усти ёпиғи бор, шундай бўлса ҳам бўлади" дейди. Д.Собиров С.Хидировнинг амакисининг уйига келиб, уни амакисига тегишли мототранспорт техникаси олдида суратга тушириб, ҳужжат қиламан, дейди. Шундан сўнг ўн кунча вақт ўтганида, С.Хидиров "кредит нима бўлди" деб сўраганида "банкда ресурс йўқ деб қайтарди" деган важни келтиради.

Аслида эса, нафси ҳакалак Д.Собиров С.Хидиров номидан кредит учун ҳужжатларни расмийлаштиради. АТБ "Агробанк" Музработ филиали томонидан 2023 йил 13 декабрда 33 000 000 сўм кредит ажратилади. Айрим сабабларга кўра кредит ажратилмаганлигини важ қилиб, таъминотчи сифатида Олтинсой туманида фаолият юритиб келаётган "Нодир Бекзод сервис стройи" МЧЖдан мижозга берилган электрон мототранспортни эгасига етказмасдан Жарқўрғон туманидаги танишига 32 000 000 сўмга "борига барака" деб сотиб юборади. Ҳаводан келган "хазина"ни эса ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатади.

2024 йил 5 март куни банк ходимлари мазкур кредит мақсадли фойдаланилаётганлиги юзасидан С.Хидировнинг уйига бориб текширишганида, масалага ойдинлик киритилди...

Суд, Д.Собировга нисбатан жазо турини ва миқдорини белгилашда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий аҳволини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олиб, жабрланувчининг унга даъвоси йўқлигини эътироф этди.

Дилшод Собировга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "в" банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Я.БЕККАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Музработ тумани суди раиси.

Соғлиқ ҳақида гап кетганда, энг аввало, биз табиат, хусусан, унинг бирликлари – тупроқ, сув, ҳавонинг инсон ҳаёти ва саломатлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини чуқур англашимиз лозим. Чунки биз тупроқда ўсиб етилган овқатликларни истеъмол қиламиз, сув билан чанқоғимизни қондирамиз, ҳаводан нафас оламиз. Шу боис уларни турли чиқиндилар билан ифлосланишдан сақлашимиз керак. Акс ҳолда, улар турли касалликларнинг сабабчилари бўлиши мумкин.

2025 йил – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва «яшил» иқтисодиёт йили

Табиат ва инсон саломатлиги

Бутун дуёда иқлим ўзгаришлари яққол сезилмоқда. Мамлакатимизда 2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили деб номланиши бежизга эмас. Дунёда тугамайдиган ресурс-бойлик йўқ. Шу боис ер ости ва усти бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, энергия тежамкорлигини таъминлаш, қуёш ва шамол – Яшил энергетикасидан фойдаланиш долзарб масаладир. Ўзбекистон-2030 стратегияси" давлат дастури қабул қилиниб жадал ишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун жойларда мунтазам равишда атроф-муҳит тозалигини асраб-авайлашга қаратилган тадбирлар ўтказилаётгани соғлом турмуш тарзи тарғиботида ниҳоятда муҳимдир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, жамики касалликларнинг 85 фоизи бевосита сув билан боғлиқ. Бинобарин, сувнинг аҳамиятли томонига қараётганлигимизнинг сабаби шундаки, агарда тегишли эҳтиёт чоралари кўрилмаса, сув орқали кўпгина юқумли ичак касалликлари тарқалиши мумкин. Масалан, ичбуруғ, ич терлама, сариқ, вабо, энтеритлар каби юқумли ичак касалликлари асосан сув орқали юқади. Шунинг учун аҳоли яшаш жойларидаги сув таъминотининг тегишли санитария гигиеник талабларига жавоб бериши катта аҳамиятга эга.

Сув манбаларини ахлат ва чиқиндилар билан ифлосланишидан асраш, ёзги мавсумда фақат қайнатилган сув истеъмол қилишни таъминлаш, болаларни қайнатилган сув ичишга одатлантириш юқумли касалликларни олдини олувчи энг асосий тадбирлардан биридир.

Маълумки, инсон ва унинг турмушида турли хил чиқиндилар хосил бўлади. Уларни: ҳовли ва ҳоналарни тозалашда ҳосил бўладиган чиқиндилар; овқат қолдиқлари; ҳайвон чиқиндилари; эскирган буюм, идиш ва уй анжомлари; кундалик турмушда ҳосил бўладиган чиқиндилар. Бу нарсаларни йиғиш, сақлаш ва зарарсизлантириш борасида изчил ишлар олиб борилмаса ҳафта, ой ва йиллар давомида тўпланиб, инсонлар соғлиғига жиддий хавф келтиради.

Атмосфера ҳавосини ҳозирда асосан икки манба ифлослантиради: биринчиси, табиий омиллар бўлса, иккинчиси, инсон фаолиятининг маҳсули ҳисобланувчи антропоген омиллардир. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи табиий омилларга вулқонларнинг отилиб чиқиши, тоғ жинсларининг емирилиб, шамол воситасида тўзиши, ўрмонларга ўт кетиб, ундан пайдо бўладиган зарарли омилларнинг атроф-муҳитга ёйилиши каби табиий офатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Антропоген ифлосланишлар, асосан, инсон ҳаётий фаолиятининг маҳсули бўлмиш саноат корхоналари, автомобиль ва бошқа ажратмалар атмосфера ҳавосини ифлослантиради. Шунингдек, турли хил ёқилғиларнинг ишлатилиши оқибатида пайдо бўладиган зарарли моддаларнинг ҳаво ҳавзасига тушиши ҳам атроф-муҳитнинг зарарланишига олиб келади.

Атмосфера ҳавосидаги чанг заррачалари инсон организмига нохуш таъсир қилади. Чангларнинг асорати уларнинг таркибидаги кимёвий моддаларнинг биологик активлигига, табиатига, физик жиҳатига узвий боғлиқ. Масалан, ҳаводаги чанг таркибидаги қўрғошин, маргимуш, марганец, кадмий, фтор аэрозоллари доимий равишда организмга тушиб тургач, сурункали касалликларга олиб келиши аниқ. Айниқса, радиоактив хусусиятга эга бўлган чанглар ўта хавфлилиги билан ажралиб туради.

«Тоза ҳаво – танга даво» деган ҳикмат ҳаммага маълум. Тоза ҳаво ҳисобига танада қон тозаланади, тери эркин "нафас" олади. Соф ҳаво қуёшнинг иссиқ нурини ўзида сақлаб қолади, у ерга намлик беради. Тоза ҳаво моддалар алмашинуви жараёнига, танамиздаги иссиқлик алмашинуви ҳамда физиологик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади.

Экологик тарбия – ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми. Ёшлар онгига экологик маданиятни сингдириш ҳар бир тиббиёт ходимининг асосий вазифасидир. Зеро, инсоннинг табиат қучоғида бўлиши уни руҳан тетиклаштириб, меҳнат қобилиятини ва ижодий фаолиятини оширади, саломат бўлишига замин яратади. Ташқи муҳитнинг организмга бўладиган ҳар қандай салбий таъсирларини камайтириш ёки бартараф қилиш учун ҳар бир инсон 3 та талабга риоя қилиши даркордир:

-ҳар бир шахс ўзи фаолият кўрсатаётган ташқи муҳитнинг салбий омиллари ҳақида етарлича билим ва кўникмага эга бўлиши;

-зарарли ташқи муҳит омилларидан сақланиш учун етарли шарт-шароитлар яратилиши;

-ҳар бир киши, у қаерда ва ким бўлиб фаолият кўрсатишидан катъи назар ўз соғлиғи ва атрофидагилар соғлиғи учун жавобгарлик ҳисси шаклланган бўлиши керак, ҳар бир инсон соғлом умр кўришни истаса, авваламбор, ташқи муҳит, табиатнинг соғлом бўлишини таъминлашга бор илм ва малакасини бағишлаши даркордир.

Ана шундагина она табиат ўз иноъомларини дариғ тутмайди. Инсон ҳам табиатнинг бир аъзоси, унга табиатни пайҳон – йўқ қилиш эмас, балки обод қилиш вазифаси юклатилган.

Н.ЯХШИБОЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси туман Кенгаши раиси.
Т.МАХМАДАЛИЕВ,
республика саломатлик ва стратегик ривожланиш институтининг туман бўлими врачи.

Ҳамкасб ҳақида

ЖОНКУЯР УСТОЗ

Туманимизнинг намунали мактабларидан бири – 7-умумтаълим мактабида ҳозирги кунда 1330 нафар ёш авлодга 107 нафар малакали педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқда. Улардан Равшан Назаров “Шуҳрат” медали, Муяссар Холмаматова, Замира Ўтаевалар “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони соҳибларидир. Шунингдек, жисмоний тарбия ўқитувчилари Худойберди Холтўраев, Эркин Худойқулов ва Баҳодир Йўлдошевлар шогирдлари спортнинг стол тенниси, мини футбол, баскетбол турларидан вилоят ҳамда республика босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритган устозлардан ҳисобланишади.

Ёшларни Ватанга содиқлик, ватанпарварлик руҳида тайёрлашда шу мактабнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси, лейтенант Зокир Умурқуловнинг алоҳида ўрни бор. Тиниб-тинчимас З.Умурқулов мана 17 йилдирки, соҳада ўзига юклатилган барча вазифаларни аъло даражада бажариб келмоқда. Қанчадан-қанча шогирдлари жамиятимизнинг турли соҳаларида янги Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссаларини қўшиб келишаётир.

Лавҳамиз қаҳрамони Зокир Умурқулов асли шу мактабнинг собиқ ўқувчиси. У мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Бухоро Давлат педагогика университетининг Бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия йўналишига ўқишга кирди. Олий ўқув даргоҳини битириб, туманимиздаги Мудофаа ишлари бўлимининг муқобил хизмат бўлими бошлиғи, сўнгра ўзи яшаётган маҳалла раиси лавозимларида меҳнат фаолиятини олиб борди.

Орадан йиллар ўтса-да З.Умурқуловни ҳарбий соҳага бўлган иштиёқи тинчлик бермади. Ўзининг севимли соҳасига қайтди. У бугунги кунда туман мудофаа ишлари бўлимининг 7-умумтаълим мактабидаги чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбаридир.

Кўп йиллар давомида тобланган устоз лейненант Зокир Умурқуловнинг хизматлари учун Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи Жанубий оператив қўмондонлиги бошлиғи Р.Сотивалдиев томонидан “Фахрий ёрлиқ” ва Ўзбекистон “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси раҳбарияти томонидан “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун” медали билан тақдирланган.

Мавридида, жонкуяр устоз, ҳамкасбимизнинг келгуси ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Й.АБРАЕВ,
36-мактабнинг Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари.

Суратда: *лейтенант Зокир Умурқулов.*

Мардлар қўриқлайди Ватанни

Мактабимиз фахри

Бугун Ватан ҳимоячиси касбини шарафлаб келаётган Баҳодир Расулов мактибимизнинг собиқ ўқувчиси. У ўқувчилик йиллари ўқиши аъло, хулқи, интизоми намунали толиби илмлардан бири эди. Ўрта маълумот ҳақидаги етуклик аттестатини қўлига олгач, Термиз Давлат университетининг тарих факультетига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга кирди. Талабаликнинг олтин даврида илм ва иқтидор пиллапояларидан шаҳдам юқорилаб, олий маълумотли тарих ўқитувчиси мақомига эга бўлди.

Баҳодир диплом билан педагогик жамоамиз сафига кириб келганида, очиғи, жуда қувонганмиз. Чунки шогирдимизнинг ўзига хос қобилият эгаси эканлигидан барчамиз бохабар ва мамнун эдик. Шундай қилиб, билимдон ёшлардан бўлажак устозлар сони ортгани бизга манзур бўлди. Ёш муаллим икки ўқув йили ўқувчиларга тарих фанидан сабоқ берди. Шунинг баробарида мактабдаги жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатди. Мактаб маъмуриятининг, ҳамкасбларининг эътиборини қозонди, билимдонлиги ва ишчанлиги учун кўпчилик иззат-икромига сазовор бўлди.

Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, дейдилар. Бу нақл ўзига ҳам тегишли эканлигини билган Баҳодир Расулов мактабда иш бошлашдан олдин сафарбарлик чақируви резерви таркибида бир ой ҳарбий хизматни ўтаётганида “Қуролли Кучлар сафида хизмат қилсаммикан?” деган хаёлга борганди. У аслида ўқитувчиликни яхши кўради, қолаверса, муаллимлик унга бобокасб. Бир қарорга келгунча эса, орадан икки йил ўтди. Билимини, иқтидорини, шижоату куч-ғайратини ҳарбий соҳада ҳам кўрсатишга аҳд қилди.

Баҳодир Расулов дастлаб Қашқадарё вилоятнинг Муборак шаҳридаги, 2015-2018 йиллар Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларда хизмат қилди. 2018 йил бошидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати канцелария гуруҳи оператори лавозимида ишлади. 2020 йилдан ҳозиргача вазирликнинг марказий аппарати жанговар тайёргарлик бош бошқармаси бўлинма бошлиғи бўлиб фаолият юритаяпти, ҳарбий унвони бўйича II даражали сержант.

Сержант Баҳодир Расулов ўз салоҳияти билан ҳарбий хизматда ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак бўлди, жанговар топшириқларни бажаришда шахсий намуна кўрсатди. Бунинг эвазига у Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25, 30 йиллиги, III даражали ва II даражали намунали хизматлари учун кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Шу йилнинг январь ойида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мудофаа вазирлигининг ташаббуси туфайли Музработ туманидаги 14-умумтаълим мактабида сержант Баҳодир Расулов шарафига тантанали тадбир ўтказилди. Унга Баҳодир ва унинг ҳамкасблари, ўқитувчи-устозлар ва мактабдошлари, яқинлари иштирок этишди. Термиз ҳарбий гарнизони ҳарбий оркестри ижросидаги жанговар мусиқалар садоси остида ҳарбий парад бўлиб ўтди. Ном қозонган мард ўғлон ҳақида ҳамкасблари, устозлари, маҳалладошлари ўзларининг илиқ фикрларини, тилак ва истакларини билдирдилар. Мактабда Б.Расулов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бурчак ташкил қилинди.

Ўзига хос бу тадбир унга қатнашганларда унутилмас, бой таассурот қолдирди.

Гулнора ХОЛНАЗАРОВА,
14-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Суратда: *Баҳодир Расулов.*

Китоб – ҳаётни ўзгартирувчи мураббийдир

Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш учун амалга оширилаётган ислоҳотлар бежизга эмас. Китоб келгуси ёш авлоднинг камолоти, илм олиши, билимли бўлиши ва эртанги куни учун замин яратади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Беш ташаббус”нинг, тўртинчи йўналишида шундай дейилган; “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш”. Бу жумлалар замирида бугунги кунда ёшларни янада қўллаб-қувватловчи муҳим омилларидан бири бўлиб келаётган китобнинг ўрни, бизлар учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Китобни мутолаа қилар экансиз, китобдаги воқеалар ривожи, ундаги қаҳрамонлар, ҳақида китобхон онгида янгича таассуротлар уйғонади. Янгича фикрлар инсон хаёлларини эгаллайди. Китоблар-инсониятдан келиб чиққан фикр, янгича ғояларни тўплаб авлодларга етказади.

Дарҳақиқат, ҳеч бир нарса китоб каби инсонни юксалтира олмайди. Келажакда ўз мақсадларингиз йўлида эришишга беминнат хизмат қиладиган яқин дўстдир, сир-синоатларга, янги ғояларга бой бўлган лиммо-лим хазинадир.

Озода АМИНОВА,
туман Ахборот-кутубхона маркази ходими.

КЕЛ, БОРИГА БАРАКА

(Ҳажвия)

Раимқул оқсоқол уйга кириши билан кампирининг авзойи бузуқлигини сезди.

–Қиш чилласидан ҳалиям бораканда, – деди у илмоқли гап ташлаб тумтайиш сабабини билмоқ учун. – Мен похир кўклам кеп қолди деп суюниб юриппана.

–Хаҳ, сут билан кирган жон жонминан чиғарканда, – Тилла момо ҳам жавобда бўш келмади. – Қариб қартайибам қуйилмади қуйилмадида. Мен нима ғамдаю бунга ҳе-ҳе, ҳоҳо бўлса бўлди.

–Ҳа, нима гап? – сўради оқсоқол жиддийлашган бўлиб. – Тинчма? Ё дугоналаринг янги кўйлак олиптима?

–Уф-ф! Вой-войей, - кампирнинг фиғонидан дуд чиқди. – Бўйноғингиз Заргулди қопиб олди. Ҳе, ит бўлмай ўлсин. Менам онг қолдимда. Уям бўлса товуш-повуш чиғармай кеп, олбостидай тинч ётқон итга ўдағайладида. Бўйноқ шартта оёғидан тишлади. Бор гап шу. Оғиз жуплашгаям улгурмадим.

–Яхши иш бўлмапти, – деди бобо бош чайқаб. –Иримамалини қилдингма? Сув-пув ичириб, ярасига хамиртурушма қўйиб дегандай.

–Қилдим, – қулт этиб ютинди Тилла момо, – Эримга нима дейман деп шўрқиллайверибиди уйигаям олиб бордим. Темирбойга ётиғи минан тушунтириб кечирим сўрадим. Қони энди гапга кўнса. Милисага бераман, маҳаллага ойтаман деп хит қилди.

–Шу ўзимиздинг Темирбойма? – ажабланди оқсоқол супа четига омонат ўтираркан. –Итимиздинг сов эканини дўхтирданам қоғози борлиғини ойтдингма?

–Ойтдим, ҳаммасини бир сидра қолдирмай ойтдим, - Қурғир тиржи ҳеч гапга қулоқ сомади. Ўқрайиб олиб тўнғиллагани-тўнғиллаган.

– Бўпти, кўп жаврама, - деди Раимқул чол кафтига нос ташлаб отаркан. – Тур, тўнимни опчиқ. – Ўзим борип гаплашаман.

Темир Тилла момони қай тарзда совуқ кутиб олган бўлса оқсоқолни унданда баттар хушламади. На саломига алик олди, на сўрашди. Ҳатто ўтиришга таклиф ҳам қилмади. Тумтайганча миқ этмай ўтиверди. Бўлиб ўтган кўнгилсизлик учун қариянинг қайта-қайта узр сўраши ҳам ўртадаги совуқлик музини эритолмади. Орадан хийла вақт ўтгач ичкаридан уй эгасининг хотини Заргул чиқиб кўриниш берди.

–Йўқол, –деб ўдағайлади эр унга қараб. Сўнгра бобога юзланди. – Ҳайла қаранг. Бу энди қутуради. Менга миндай хотиннинг тати кераги йўқ. Тушуняпсизми? Лаънати итингиздинг жазиридан шундай палакатга жўлиғип ўтириппан. Сиз бўлса ҳечтима бўмағандай осонгина “кечир” дейсиз.

Ўртага дилсиёҳликни оғирлаштириб яна сукунат чўкди.

–Ҳа, сенга қийин бўпти Темирбой, - деди бир маҳал Раимқул чол сийрак соқолини тутамлаганча. – Демак энди Заргулминан яшамайсан, ажрашасан. Гапим гап, сўздан қайтиш йўқ дединг-га? Шундайма? Кел, унда миндай қиламиз. Хотинларимизни бошма бош олмоштирамиз. Сенга ҳазир кампиримни опкеб бераман. У соппа-сов. Итам тишламаган, пишагам тирнамаган. Ўрниға хотинингни опкетаман. Мендай чолга ит теккан бўлсаям бўлибиради. Шу арзимаган иш учун маҳаллани безобита қип журамизма? Нима дейсан? Келишдикма?

Шу чоққача қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирган Темир оқсоқолнинг ажабтовур таклифидан нашъа қилиб кулди. Сўнгра анграйиб турган Заргулга кўзи тушиб яна ўшқирди.

–Кир уйга. Уйма-уй дайдиганнинг жазоси шу. Сенга ҳали буям кам.

Шундан сўнг чоли тушмагур мийиғида кулганча кампирини хотиржам қилиш учун ортига қайтди.

М.ХОЛМИРЗАЕВ.

Nazm gulshani

Bahorim

Fasllarning erka go‘zali,
Shaydolarning sevgan g‘azali,
Lola, rayhon hidi mazali,
Kel bahorim, kutaman seni!

Sog‘inchlarim to‘la qalbimda,
Oshiqlaring yetar qadringga,
Ola qolgin o‘zing bag‘ringga,
Kel bahorim, kutaman seni!

Kelganingda turnalar qaytar,
Baxshilaring dostonlar aytar,
Kelavergin, takror va takror,
Kel bahorim, kutaman seni!

Seni ko‘rib quyosh kuladi,
Chiroyingdan oy uyaladi,
Borlig‘ingdan tong ham otadi,
Kel bahorim, kutaman seni!

Yo‘ldosh ABRAYEV,
Mehrigiyoh mahallasi.

Ko`klam yetib keldi

Qirlarda ko‘rindi, alvon lolalar,
Yellarga qo‘shildi, xushbo‘y iforlar,
G‘unchalar ochilib, gulladi bog‘lar,
Ko‘klam yetib keldi, aziz insonlar.

Gullarning ifori har yerda kezar,
Qushlarning ovozi baralla yangrar,
Barchasi shodlanib bir-birin qutlar,
Bahor yetib keldi, aziz insonlar.

Qaldirg‘ochlar uchib keldilar shodon,
Ezgulik urug‘in sochdilar har yon,
Bulutlar beg‘ubor, musaffo osmon,
Bahor yetib keldi, aziz insonlar.

Nuriya NE`MATOVA,
13-maktabning 11-sinf o‘quvchisi.

O`zbekistonim

Dunyoda yagonamsan,
Jannatmakon–jon tanim.
Quyoshi porlab turgan,
O’zbekiston gulshanim.

Nurga to’lgan yurtimsan,
Musaffodir osmoning.
Doim olg’a yurgaysan,
O’chmas aslo bu noming.

Sensan mening chamanim,
Mehring jo’shgay qalbimda.
Azizsan, ey Vatanim,
Noming mangu dilimda.

Malika MAMADAMINOVA,
14-maktab 9-sinf o’quvchisi.

Qalb qo`risiz

Kelajakka poydevor,
Shirin so`zsiz, ustozlar.
Bolalarga ham ona,
Jonkuyarsiz, ustozlar.

Tinmay bilim berasiz,
Mehringiz juda qaynoq.
Yonidan gir aylanib,
Parvonasiz, ustozlar.

Bolajonim deysiz siz,
Birini qo`yib birin.
Boshingiz omon bo`lsin,
Qalb qo`risiz, ustozlar.

M.XUDOYBERDIYEVA,
22-davlat maktabgacha ta`lim tashkiloti tarbiyachisi.

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

Расм дарсида

Расм дарси якунида ўқитувчи ўқувчиларга:

–Уйга вазифа уй ҳайвонлари расмини чизиб келиш. – деди.

Бир ўқувчи ҳовлиққанча деди:

–Устоз, мен буқа расмини чизиб келаман, агар дадам уни сотгани учун бозорга олиб чиққан бўлмасалар...

«Бу мен севган қиз...»

Уйда, ижод қилиб ўтирган мусаввир сюрприз қилмоқчи бўлиб, хотинининг ёшликда (16-18 ёшда) тушган суратига қараб унинг портретини чизаётганда, ўғли ёнига келиб:

–Дада, бу кимнинг расми, – деди.

Шунда отаси:

–Буми, мен севган қизнинг расми, – деганди, болакай шошганча онасининг ёнига югуриб кетди...

Тешик тоғдан ўтсак...

География дарсида бир неча саволларга жавоб берган ўқувчига ўқитувчи:

–Сенга охирги савол: Туркманистон Республикаси қаерда жойлашганини харитадан кўрсат, тўғри жавоб берсанг баҳонг “Беш!”-деди.

Ўқувчи бироз харитага тикилдида, сўнг синф хонасининг кун ботар тарафида очиқ турган дераза томон қўлини бигиз қилиб деди:

–Биздан кейин Болдир, Қоракамар, сўнг тешик тоғдан ўтсак, у ёғи Туркманистон...

x x x

Банкда ҳужжат тўлғазаётган кекса кишига банк ходими деди:

–Отахон телефонингиз ва машинангиз рақамларини ҳам ёзинг.

Қария: “телефон рақамимни-ку ёздим машинамнинг номери неча эди” дея, бироз ўйланди-да, шундай деди.

Ҳа айтганча, машинага МРОдан рақам олаётганимда, бир йигит бир йилга тенг рақам (365) экан деганди.

x x x

Ота деди: Сенга насиҳатим
болам, қулоқ сол,
Одобли бола бўл,
ўқи, билим ол.
Ўғил деди: Одобли бола
йўқ, синфимизда,
Мендан бошқа бари,
дадажон қизда.

Тўлқин БОБОНАЗАРОВ,
43-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси.

Қўзиқорин мавсуми

Заҳарланишдан сақланинг

Баҳор фасли келиб кунлар исиши муносабати билан далаларда қир-адирларда, автомобиль йўллари, темир йўл ёқаларида, истироҳат боғлари, болалар боғчалари ва таълим муассасалари ҳудудларида истеъмолга яроқсиз бўлган табиий ва заҳарли қўзиқоринлар ўсиши кўпаяди. Ўзбекистонда қўзиқориннинг 100 дан ортиқ тури ўсади. Шундан атиги 25 туригина истеъмолга яроқли, яъни заҳарсиз ҳисобланади.

Қўзиқорин қуритилган, қайнатилган, қовурилган, тузланган, маринадланган кўринишда истеъмол қилинади. Ўрмон ҳудудларида яшайдиган мамлакатларда қўзиқоринни ҳатто хомлигича истеъмол қилиш усулларини ўрганиб олишган. Антибиотик сифатида ишлатиладиган пенициллин дориси қўзиқориндан олинган. Бугун ҳам бу ўсимлик экстракти фармацевтикада кенг қўлланилади.

Қўзиқориннинг фойдали жиҳатлари кўп бўлгани билан улар истеъмолида эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Биринчидан, заҳарли турлари, иккинчидан, экологик жиҳатдан ноқулай шароитда ўсган ва консервациялаш жараёнида тўғри тайёрланмаган қўзиқоринларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради. Тиббиёт амалиётида шундай ҳолатлар бўлганки, айрим ҳолларда заҳарсиз деб ҳисобланган қўзиқоринлардан заҳарланиш ҳам кузатилган. Жумладан, йўллар бўйидаги, кимёвий заводлар ёки кимёвий моддалар сақланадиган омборхоналар яқинидаги ҳудудларда ўсган, еса бўладиган қўзиқоринлар турларини ҳам истеъмол қилиш ярамайди. Чунки қўзиқоринлар атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқдаги заҳарли кимёвий моддаларни ўзига тез сингдириб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун баъзида истеъмолга яроқли қўзиқоринлардан заҳарланиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Шифокор огоҳлантиради:

Қўзиқоринни истеъмол қилишдан аввал албатта ювиб, тозалаб, қайнатиш ёки майдалаб қовуриш керак.

Уч ёшдан кичик болалар, қўзиқоринга аллергияси бор кишилар бу маҳсулотни истеъмол қилмаслиги лозим.

Қўзиқоринли таомларни нўхат ва дон маҳсулотлари, спиртли ичимликлар билан аралаштириб ейиш тавсия этилмайди. Бунда ҳазм қилиш билан боғлиқ меъда-ичак муаммолари келиб чиқиши мумкин.

Х.АХМЕТУЛЛАЕВА,
туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими санитария врачи ёрдамчиси.

E`lon

2025-yil 1-chorak yakuni uchun taqdim etiladigan 1-FX shakli (choraklik) statistika hisobotini fermer xo‘jaliklari 2025-yilning 10-yanvardan kechiktirmay;

4-DX shakli (choraklik) fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari 2025-yilning 5-aprelidan kechiktirmay statistika organlariga elektron shaklda taqdim etishlari shart.

Muzrabot tumani statistika bo‘limi ma`muriyati.

MUZRABOT
MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO`LDOSHEV
Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo`rg`oni, Amir Temur ko`chasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro`yxatga olingan. ISSN 2181–7006.
e-mail:shaymardonov8787@mail.ru
Buyurtma G- 2330 nusxada bosildi. Qog`oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi–473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi B.Shoymardonov. Navbatchi muharrir A.Yo‘ldoshev.
Navbatchi S.Qulboboyev.
Gazeta «Surxon tongi» va «Заря Сурхана» gazetalari tahririyati bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko‘chasi, 19-A uy.
Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00